O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 25 (539)
2007-yil 20-iyun

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

**2** Суд назорати

Дастлабки тергов босқичида шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари ва бошқа тарздаги шахс ҳуқуқларининг чекланиши фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

**3** Кечувда отлар алмаштирилмайди...

Аслида Фаластин учун оғир дамлар бўлган ўтиш даврида ҳокимият алмашуви зарур эмас эди. Ўзаро қирғинларга берилиб кетган сиёсий гуруҳлар қадимдан қолган "Кечувда отлар алмаштирилмайди" ҳикматини эсдан чиқаришди...

**4** Валсга тушган келин-куёвлар

Карнай-сурнай садолари остида куёв-келин тўйхонага кириб келишди. Ўзбек тилини чала-чулпа биладиган бир йигит билан қиз икки тилда тўтидай сайраб, тўйни очгандай бўлишди-ю навбатни... кимга денг, келин-куёвга беришди. Улар вальсга тушдилар.

HURRIYATга
обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг,
ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

# Ўтмиш ва келажак чорраҳасида

***Маълумки, шу йил 14-15 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ижтимоий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлди. Халқимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, жумладан, тарихий меросга муносабат, осори атиқаларга қайта ҳаёт бағишланаётганлиги кишида ёрқин таассурот қолдиради.***

***Кармана тарихи минг йилларга туташган. Кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида туман ҳокими*** **Чинпўлат ҚАНОАТОВ** ***қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ободончилик ишлари, тарихий меросни тиклаш, янги замонавий иншоотларнинг қад ростлаётгани давлатимиз тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ".

Навқирон ва қадимий Кармана туманида ҳам бугунги кунда тарихимизни тиклашга, ободончилик ишларига, муқаддас қадамжоларни ўз аслини сақлаб қолган ҳолда қайта таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу Кармана халқининг неча минг йиллик тарихини акс эттириш билан бирга бугунги авлод қалбида улардан фахрланиш ҳиссини уйғотишга ҳам имкон яратади. Қадимда Бухоро ва Самарқанд сингари илм-фан марказлари орасида жойлашган туманимиз маданият ўчоқларидан бири сифатида эътибор топган. Қосим шайх тарихий мажмуаси,



Мир Саид Баҳром мақбараси, Хазорадаги Мавлоно Ориф Деггароний мажмуаси, қолаверса, Сардоба, Маликработ қўрғони обидалари ана шу узоқ тарихдан, ота-боболаримиз турмуш тарзидан, маданиятидан садо бериб туради.

Туманимизда давлат аҳамиятига молик бўлган еттита тарихий ёдгорлик мавжуд. Уларнинг ҳар бирида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, атрофларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Айни кунда бу қадамжоларимиз зиёратчилар билан гавжум. Жумладан, Мавлоно Ориф Деггароний мақбараси ва хонақоси XI асрда қурилган ноёб ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Масжид эса янада қадимийроқ меъморий обидадир. Вилоятимиз ва туманимиздаги катта-кичик корхона, ташкилотлар ҳамда ҳудуд аҳолиси иштирокида зиёратгоҳни таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари олиб борилди. Айниқса, "Меъмор" МЧЖ, СМУ "Ц" ЗУС, "Жамоақурилиш" ОАЖ, "Темур Малик" МЧЖ каби қурилиш ташкилотлари қурувчилари фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилишди. Нуроталик, бухоролик, ғиждувонлик, каттақўрғонлик усталарнинг хизматлари ҳам кам бўлмади. 2007 йил 29 май куни мазкур қадамжонинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек, Қосим шайх мажмуаси XVI асрда қурилган бўлиб, 2001 йилда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик юбилейи муносабати билан қайта таъмирланганди.

Ўтган йили "Хотира ва қадрлаш" куни арафасида туманимизда вилоят миқёсидаги "Хотира" майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг бунёд этилишида туманимиз ва вилоятимизнинг бир қатор ташкилотлари, корхоналарининг хизмати катта бўлди. "Ғолиб Бекзод" қурилиш фирмаси томонидан Ойбек номли 17-мактабда капитал реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Унга 282 млн. сўм маблағ ажратилиб, янги бино ва спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ушбу мактабнинг эски биносида туман маҳаллий бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан 40 млн. сўмдан ортиқ таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. "Нарпай" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "Маҳалла болалар спорт мажмуаси" қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1080 ўқувчи ўрнига эга бўлган Кармана педагогика коллежи 2 млрд. 400 млн. сўм маблағ ҳисобига қуриб битказилди.

Президентимиз вилоятимизга ташрифлари давомида Кармана туманида ҳам бўлдилар. У ерда илғор ва тажрибали фермерлар билан учрашиб, уларнинг дардларини эшитиш билан бирга, фаолиятларини янада яхшилашлари учун кераклича маслаҳат, кўрсатма ва йўл-йўриқлар бердилар. Булар бизга, ҳаммамизга дастурамал бўлиб хизмат қилади.

"Hurriyat" мухбири
**Отабек АСЛОНОВ**
суҳбатлашди

МММда

## Масъул котиб маҳорати

Миллий матбуот марказида "Бугунги босма нашрларда масъул котибнинг ўрни ва вазифалари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг навбатдаги хайрли ишларидан бўлди. Жамоат фондининг ОАВларни фақат моддий қўллаб-қувватлаш билан чекланмай, бу каби илмий-назарий моҳият касб этадиган тадбирлар ўтказишни йўлга қўйиши, айниқса, таҳсинга сазовор. Семинар-тренингда турли газеталарнинг бош муҳаррир ва масъул котиблари ҳамда назариётчи олимлар иштирок этишди.

— Газеталаримизни варақлар эканмиз, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, — ҳамон эски ҳаммом, эски тос қабилида иш юритилаётганига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, давр ўзгарди. Шунга яраша замонавий технология журналист имкониятини кенгайтирди. Самарқандга Россиядан, Жиззахга Германиядан замонавий босма технологияларнинг келтирилганини биз бугун қувонч билан айтишимиз мумкин. Фақат улардан оқилона фойдалана олмоғимиз даркор.

Бунинг учун эса малака керак. Замонавий технологиядан фойдаланиш учун илғор газетачилик тажрибаларидан хабардор ходимларга эҳтиёж туғилади. "Маърифат" газетаси бош муҳаррири Ҳалим Саидов масъул котибга "таҳририятдаги техник ва ижодий фаолиятни уйғунлаштирадиган ходим" дея таъриф берганида унинг газетада қанчалик муҳим ўрни борлигини таъкидлаган эди.

Тўғри-да, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ахборот бозорида ўз ўрнига эга бўлиш ва нуфузини сақлаб қолиш учун кураш олиб бораётган бир пайтда даврий нашрлар фаолиятини масъул котибсиз тасаввур этиб бўлмайди. Яна шуни унутмаслик керакки, масъул котибдан унинг олдида турган мақсад-вазифаларга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади. Нашр дизайни, материаллар ва фотоларни жойлаштириш, макетлаштириш, саҳифалаш ишларига замонавий технологияларни жорий этиш бу борада долзарб вазифалардан ҳисобланади.

"Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов саҳифага материалларни жойлаштириш масаласига эътибор қаратар экан, "Ғишт" мақолаларни ўқишга одамнинг юраги дов бермайди. Масъул котиблар бунга эътибор қаратишлари лозим", деди. Маърузачи газеталаримизнинг дизайнидаги қиёфасизлик ҳақида гапириб, у нашрдан бу нашрга кўчиб юрадиган дизайн унсурлари, рукнлар кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол эмаслигини билдиради.

Шунингдек, семинар-тренингда "Матбуот дизайни: жаҳон тажрибаси", "Саҳифаларда фотолавҳаларни жойлаштириш тартиби" каби мавзуларда маърузалар ўқилиб, муҳокама қилинди. Масъул котиблар фаолиятида замонавий иш услубларини жорий этиш, нашр дизайни борасида хориж тажрибасини миллий матбуотга татбиқ этиш масалалари ҳам иштирокчилар томонидан энг муҳим вазифалардан дея баҳоланди.

**МУХБИРИМИЗ**

Арафа

***Узоқ ва интизор кутилган «Универсиада-2007» спорт ўйинлари эртага бошланади. Мусобақалар спортнинг 12 тури: баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол, қўл тўпи, сузиш ва дзюдо бўйича ўтказилади. Ҳудудий 14 жамоа таркибида 1946 нафар талаба беллашувларда иштирок этади.***

# Эртага бошланади

**Ф. ЖАББОРОВ**

«Универсиада-2007» муносабати билан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси маънавият-маърифат марказида душанба куни матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ташкилий қўмита вакиллари томонидан ОАВ ходимларини қизиқтирган барча маълумотлар берилди ва йиғилганлар мусобақаларни ўтказиш жараёнлари, нималарга эътибор қаратиш зарурлиги, тадбирнинг аҳамияти билан таништирилди.

Бу йил «Универсиада-2007» спорт ўйинларини ёритишда 400 дан ортиқ ОАВ вакиллари қатнашадилар. Ахборот олиш қулай бўлиши учун 3 тилда фаолият олиб борадиган **www.universiada.uz** сайти яратилди. Махсус тайёргарликдан ўтган журналистлар турар жойлар ва мусобақа ўтказиладиган спорт майдонларидан интернет тизими орқали пешма-пеш ахборот жўнатиб туришади. «Универсиада-2007» билан боғлиқ барча хабар ва маълумотлар ахборот марказига тўпланади ва сайтга киритилади. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 70 % лавҳаларни тўғридан тўғри узатади. Пойтахтимиз кўчаларида ўрнатилган мониторлар орқали ҳам мусобақаларни бевосита кузатиш мумкин. Хуллас, «Универсиада-2007»нинг ахборот соҳаси шундай ишлаб чиқилганки, мусобақаларда бўладиган ҳар қандай янгилик, чемпионлар ҳақидаги маълумотлар республикамизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам бир неча лаҳза ичида етиб бориши керак.

Бугун Тошкент аэропорти ва темир йўл вокзалида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан келаётган иштирокчиларни кутиб олиш тантаналари бўлиб ўтмоқда. Эртага эрталаб Паркент туманидаги «Қуёш-физика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўт олдирилган машъала 100 кмдан ошиқ масофани босиб ўтиб «Ёшлик» спорт мажмуасига олиб келинади ва 19.00 да «Универсиада-2007»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Суриштирув

# Норовларча усул

## ёхуд пенсия таъминотидаги қонунбузилишлар оқибатида миллионлаб давлат маблағларининг ўмарилганлиги тўғрисида

**Бир куни бошлиқ қўл остидаги ходимидан тепадан туриб танқид қилиш нима-ю, пастдан туриб танқид қилиш қандай бўлишини сўраб қолди.**

**Ходим елкасини қисди.**

**— Унда ҳу анави жойни кўряпсанми? — деди икки қават пастдаги зинанинг қуйи қисмини кўрсатиб. — Ана шу айтган жойда тургин, мен ҳозир сенга тушунтираман.**

**Ходим айтган жойга тушиб туриб, унинг нима каромат кўрсатишини кута бошлади.**

**Илҳом ХАЛИЛОВ,**
журналист

Ниҳоят, иккинчи қаватда турган бошлиқ бўй кўрсатиб, кўкка қараб чуқур нафас олди-да ходимга қараб чунонам тупурдики, бундан ходимнинг башарасини тупук қоплаб қолди. Шунда бошлиқ: "Буни тепадан туриб, танқид қилиш дейдилар", деди қўлини осмонга бигиз қилиб.

Бундан жаҳли чиққан ходим бошлиқ томонга сапчиб тупура бошлади. Аммо ҳар сакраб тупурган тупуги яна ўзининг башарасига келиб тушаверди. Қўл остидаги ходимнинг чиранаётганини кузатиб турган бошлиқ қаҳ-қаҳ отиб: "Буни пастдан туриб танқид қилиш дейдилар", деди мағрурона қиёфада.

Дарҳақиқат, бу латифанамо ҳикояни бежизга келтирмадик.

Мирсалим Саидов Навоий вилоятининг Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлимида салкам 32 йилдан буён меҳнат қилади. У ўзининг ана шу фаолияти давомида ҳукуматимизнинг қатор фахрий ёрлиқлари, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Ижтимоий таъминот аълочиси", "Ижтимоий таъминот фахрий ходими" ва бошқа қатор кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Соҳадаги ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнати туфайли у ижтимоий таъминот бўлими ўринбосари ва раҳбарлар алмашинуви жараёнида 16 йилдан зиёдроқ бошлиқ вазифасини бажарувчи сифатида фаолият кўрсатди. Мана шу даврда туман ижтимоий таъминот бўлими ишни тўғри ташкил этиш бўйича нафақат вилоятда, балки республикада ҳам намунали ташкилотлардан бирига айланди. Натижада, туман бўлимига қўшни вилоят ва ҳудудлардан иш ўрганиш ва тажриба алмашиш учун кўплаб мутахассислар ташриф буюриши одатий тусга айланди.

— 2000 йилдан бошлаб туман ижтимоий таъминот бўлимига соҳага мутлақо алоқаси бўлмаган киши раҳбар этиб тайинланди, — деб ҳикоя қилади Мирсалим Саидов таҳририятга қилган мурожаатида. — Ваҳоланки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 сентябрдаги 476-сонли қароридан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган низомнинг 1-бўлим, 12-банди талабига кўра, туман ижтимоий таъминот бўлими мудирлиги лавозимига соҳада камида уч йил ишлаган, олий маълумотли ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи бўлиш лозим эди. Шунга қарамасдан К. Қулмуродов бўлим мудири этиб тайинлангач, ишни тўғри ташкил этиш ва мутахассислар билан маслаҳатлашиш ўрнига, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ишларини авж олдириб, жамоа ўртасида носоғлом муҳитни вужудга келтира бошлади. Оқибатда ходимлар ўртасида бесаранжомлик кучайиб, фуқароларнинг мурожаатлари иккинчи даражали ишга айланиб қолди.

— Мен янги раҳбар К. Қулмуродовнинг ўринбосари ва хизмат йўналишим бўйича аҳолини пенсия ва нафақалар билан таъминлаш вазифасининг қарийб 70-80 фоизи зиммамда бўлганлиги учун янги раҳбарга ишда бўлаётган бошбошдоқликларга чек қўйишни сўраб, бир неча маротаба оғзаки ва ёзма равишда билдирги киритдим, — деб сўзида давом этади Мирсалим ака. – Аммо у бундан тегишли хулоса чиқариш ва вазифам талаби даражасида ишга жалб этиш ўрнига менга нисбатан тазйиқни кучайтира бошлади. Ҳаттоки, пенсия тайинлашдаги жуда кўпгина ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйди. Кишига алам қиладигани 2001 йилнинг 5 ноябридаги йиғилишда бевосита бошлиқнинг айби билан 4-5 ойдан буён ҳеч бир асоссиз чўзилиб, тўловга ўтказилмай келинаётган 200 дан зиёд фуқароларнинг пенсия ишлари бўйича айбларни менга ағдарди. Бундан норози бўлиб, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Норовга ва шахсан бошқарма бошлиғи ҳамда вилоят ҳокимлигига бир неча маротаба билдирги киритдим. Аммо ҳар гал қилган шикоятим ўзимнинг бошимга бало бўлиб ёғилаверди. Менга нисбатан туҳматлар кучайиб, ишга қўймаслик, жамоа орасида иззат-нафсимга тегиш авж олди. Оқибатда иш жараёнида асаб касаллигига мубтало бўлдим. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига шикоят қилишга мажбур бўлдим. Шикоятим бўйича текширув ўтказилиб, 2002 йилнинг 19 мартида унинг натижалари бўйича шахсан вилоят бошқармаси бошлиғи Ж. Норов йиғилиш ўтказди. Мажлис баённомасида қайд этилишича, фуқароларнинг пенсия ва нафақаларини 4-5 ойдан буён асоссиз равишда тўловга киритмай келаётганлиги учун туман ижтимоий таъминот бўлими мудири К. Қулмуродовга, катта назоратчи Б. Сувонов, мутахассис Р. Нуруллаев, И. Бозоров, К. Ҳайитмуродов, бош ҳисобчи Б. Муҳаммадиев ва шўъба бошлиғи Г. Шукуроваларга ҳайфсан эълон қилинади.

*Давоми 2-бетда.*

Кўргазма

## «Европа ўзбекистонлик нигоҳида»

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Миллий банкининг тасвирий санъат галереясида Шавкат Болтаевнинг фотосуратлар кўргазмаси очилди. "Европа ўзбекистонлик нигоҳида" деб номланган кўргазмага ўзбек фотографи томонидан Европа Иттифоқининг 10 га яқин мамлакатида олинган ажойиб суратлар қўйилган.

Фотокўргазмани ташкил этишга айни пайтда Европа Иттифоқига раислик қилаётган Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси бош-қош бўлди.

Мазкур фотокўргазма Европа Иттифоқи давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Британия консуллиги томонидан ҳамкорликда амалга оширилган маданий лойиҳа мевасидир. Бундан бир муддат олдин Европа Иттифоқи мамлакатлари элчихоналари маданий дастури доирасида энг яхши фотограф танлови ўтказилди. Ўнга яқин номзодлар орасидан танлаб олинган бухоролик Шавкат Болтаев Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйлаб уч ҳафталик саёҳатга юборилди. Ўзбек фотографи Болгария, Польша, Германия, Латвия, Чехия, Англия, Франция, Италия, Бельгия каби мамлакатларнинг гўзал ва азим шаҳарларида бўлди. Саёҳат давомида у Европа халқларининг ўзига хос ҳаёт тарзи, кундалик фаолиятини ифодаловчи ўнлаб суратлар олди.

Миллий банк галереясига қўйилган фотосуратлар ушбу уч ҳафталик саёҳат таассуротларидир. Кўргазмада намойиш этилаётган суратлар томошабинлар томонидан қизиқиш билан қабул қилинмоқда.

Кўргазмага қўйилган асарлар турли йўналишда. Уларда катта шаҳарларнинг бетакрор гўзал манзараларидан тортиб оддий европалик инсоннинг кундалик ҳаёт тарзига қадар — хилма-хил мавзулар қамраб олинган.

Европа мамлакатларининг бугунги қиёфаси, яшаш тарзи билан қизиққан мухлислар Миллий банк галереясига ташриф буюриб, Шавкат Болтаев асарлари билан яқиндан танишлари мумкин. Фотокўргазма 30 июнгача давом этади.

**С. САЛИМ**

Хабар

***“Кўпчилик бизни малакали кадр етиштира олмасликда айблашади, — дейди ЎзМУ журналистика факультети декани ва ўқитувчилари. — Бундай мулоҳазаларда масалага бир ёқлама ёндашиш устунлик қилади”. Бу бор гап. Чунки журналистика факультетларида 4 йил таҳсил олган талаба шу билан бирга бирор таҳририятга илиниб олиб амалиёт чиғириқларида чиниқиб олишга улгуриши керак. Акс ҳолда битиргач, синов муддатларида таҳририятма-таҳририят ovvораи сарсон бўлишга тўғри келади.***

# «ЎзАС» маҳорат мактаби

## унда сўзга муносабат жиддий

Бунинг сабаблари ҳақида тегишли мутахассислар дўппини бошдан олиб, обдон ўйлаб кўришар. Ҳозир мавзумиз муаммога изланаётган ечимлар борасида. Шулардан бири маҳорат марказлари. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди моддий кўмагида очилган маҳорат марказларининг илк ўқув йили муваффақиятли тугаганлиги ҳақида аввал хабар қилган эдик.

Миллий матбуот марказида улардан бироз “кексароқ”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси жамоаси ташаббуси билан ташкил қилинган маҳорат мактаби битирувчиларига гувоҳномалар топшириш маросими бўлиб ўтди. ЎзМУ журналистика факультети ўқитувчилари мулоҳазалари ҳам ана шу йиғинда айтилган эди. “ЎзАС” бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев айни факультет билан ҳамкорлик ўрнатиб, бўлажак журналистларга соҳа сир-асрорлари ва амалиёт кўникмаларини ўргатиш учун бел боғлаганига ҳам тўққиз-ўн йил бўлиб қолди. Маҳорат маркази ўтган вақт мобайнида шаклланиб охирги уч йилдирки расмий тус олди. “Маҳорат мактаби” номли китобчага киритилган мақолалар тингловчиларнинг қалами анчайин чархланиб қолганлигини кўрсатиб турибди.

— Ҳеч қачон ўқишдан, изланишдан тўхтамаслик керак, — дейди ёшлар мураббийси Аҳмаджон Мелибоев. — Мен сизларга айтсам, ҳатто Маҳмуд Саъдийни таҳрир қилиш мумкин. Дунёда ўрганишимиз, билишимиз керак бўлган илмлар кўп.

Тадбирда иштирок этган таниқли журналист Гулчеҳра Умарова: “Амаллаб йўлимизни топиб олгунимизча 6 йил ўтиб кетган”, дея соҳага кириб келган йиллари бой берилган имкониятларни афсус билан хотирлайди. Бу жиҳатдан ёшларга ҳаваси келади. Ҳўв бошида биз тилга олган муаммонинг илдизи чуқуррокда экан, шекилли. Бироқ уни ечишга ҳаракатлар бўлаётгани ҳаммамизни умидлантиради.

**Ф. ЖАББОРОВ**

Ҳуқуқ

# Суд назорати

## дастлабки терговда қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

**Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилигида судгача бўлган босқич жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов босқичи ҳисобланади. Бу босқич дастлабки тергов ва суриштирувни ўз ичига олади. У жиноят ҳодисаси мавжудлиги ёки йўқлигини, уни содир этганликда айбланувчиларни, жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун далилларни йиғиш, мустаҳкамлаш ва тадқиқ этишдан иборатдир.**

**Рустам ХУРРАМОВ,**
Жиноят ишлари бўйича
Термиз туман суди раиси



Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, дастлабки терговда суд назорати суд ҳокимиятининг ваколатидир. Демак, одил судловни таъминлашда суднинг ўрни беқиёс. Чунки у дастлабки терговга тортишув принципини олиб киради. Дастлабки терговда суд назорати ўз моҳиятига кўра одил судловни амалга ошириш ҳисобланиб, у суднинг мустақил йўналиши бўлган тарафлар ўртасидаги тортишувни қонуний, асосли ҳал қилиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ҳамда бурчлари ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Конституциямизнинг ушбу моддаси талабига кўра дастлабки тергов босқичида шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари ва бошқа тарздаги шахс ҳуқуқларининг чекланиши фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

1966 йилда қабул қилинган, БМТ томонидан тан олинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 9-моддасига биноан жиноий айблов бўйича қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс дарҳол судья ёки қонунга биноан суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва жиноий айблов қўйилаётган шахс оқилона муддатда иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу Халқаро пактда баён этилган талаблар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар олиб борилаётган бир даврда жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки терговда суд назоратини кучайтириш заруриятини тақозо этади. Ҳуқуқий давлат асосларини барпо қилишга бўлган интилиш, биринчи навбатда инсонни олий қадрият деб билиш, судни эса унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдаги кафолати деб ҳисоблаш фуқаролик жамияти талабидир.

Дастлабки терговда суд назорати 2 та муҳим масалани ҳал қилади. Биринчидан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатлари қонуний, асосли бўлишини назорат қилади ҳамда бу фаолиятни амалга ошириш учун розилик, яъни санкция беради. Иккинчидан, процесс иштирокчиларининг мансабдор шахслар қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан тушган шикоятларни кўриб, бузилган ҳуқуқларни тиклашга ҳаракат қилади.

Процессуал мажбурлов чораларидан: лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, алоҳида ҳолларда гумон қилинувчига, у ушланган кундан бошлаб қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш; тергов ҳаракатларидан: мурдани эксгумация қилиш, олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш кабиларда терговчи судга мурожаат қилиши лозим.

Дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиб, ишни судга юбориш ёки ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриш учун судга юбориш тўғрисидаги қарор чиқариш билан тамомланади.

Конституциямизнинг 44-моддаси талабидан келиб чиқиб, яъни ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шу сабабли дастлабки терговда ҳам ушбу моддадан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш босқичида, жиноят иши қўзғатиш рад этилганда жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчилар ҳамда суриштирувчи, терговчининг судга шикоят қилиш ҳуқуқини белгилаш лозим бўлади.

**Осимхон ВОСИХОНОВ** чизган

## Бунёдкорлик учун 343 миллион доллар

***Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларига нечоғлик катта эътибор қаратилаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Яқинда бу борадаги хайрли ишларни янада такомиллаштириш борасида дастур ишлаб чиқилди.***

***Uzreport.com хабарига кўра, юртимизда 2007-2011 йилларда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш дастури амалга оширилади. Мазкур дастур учун эса 343 миллион АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган.***

***Режага кўра, 157,7 миллион доллар маблағ соҳада фаолият юритувчи корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, дастур доирасидаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижлик сармоядорлар ҳам жалб этилади.***

***Дастур мамлакатимиз қурилиш саноатини ривожлантириш, замон талабларига мувофиқ тарзда қайта шакллантиришни мақсад қилган.***

Раъно ТЎЛАГАНОВА

# Норовларча усул

***Давоми. Бошланиши 1-бетда.***

Шунингдек, 2002 йил 3 апрелда ушбу текширув натижалари бўйича ўтказилган йиғилишдаги 3-сонли баённомада кўрсатилишича, туман ижтимоий таъминот бўлими мудири К. Қулмуродов, назоратчи К. Ҳайитмуродовларнинг ойлик иш ҳақидан 50 фоиз, катта назоратчи Б. Сувонов ва И. Бозоровга 30 фоиз миқдорида жарима қўлланилган. Бошқа масъул ходимларга эса ҳайфсан берилган. Шифохонада даволанаётганлигим учун ўрнимга вақтинча Р. Нуруллаев тайинланди. Шунга қарамасдан К. Қулмуродов жамоа олдида ўзини оқлаш мақсадида ушбу баённомага гўёки мен ёзган аризаларнинг ҳеч бири асоссиз, тасдиғини топмаганлиги тўғрисидаги сўзларни тиркайди. Ахир аризада кўрсатилган важлар тасдиғини топмаса, вазирлик томонидан туман ижтимоий таъминот бўлими мудири ва мутасадди ходимлари ойлик маошнинг 50 фоиз миқдорида жарима ва ҳайфсанлар билан сийланармиди?

Шикоятим бўйича вилоят бошқармасидан келган жавоб хатида таъкидланишича, кўрсатилган важларнинг 90 фоизи ўз исботини топди. Бироқ асоссиз равишда тўловга киритилмай келинган пенсия ва нафақаларга гўёки мен атайлаб қўл қўймай келганлигим эслатиб ўтилган. Лекин баённомада мазкур ҳужжатларни расмийлаштириш, уларга имзо қўйиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилинганлигим тилга олинмаган. Бу ҳам етмагандек, тафтишларнинг қонун доирасида ўтказилмаганлиги ва миллион сўмга яқин нафақа пуллари ўзлаштирилганлигига эътибор қаратилмади. Орадан кўп ўтмай, аламзада бошлиқ яна бир найрангни ўйлаб топди. У 25 апрелда ижтимоий таъминот бўлими касаба уюшмаси қўмитасига тақдимнома киритиб, 2002 йил 2 майда бўлган йиғилишда текширув натижалари бўйича барча айблар менга ағдарилиб, вазифамдан озод қилиш тўғрисида қўмита аъзоларининг розилигини сўраган. Қизиқ, айбдор шахслар ўз ишига совуққонлик билан ёндашганлиги учун тегишли жазоларини олишган бўлишса-ю, К. Қулмуродовнинг менга нисбатан яна бундай муносабатда бўлаётганлигини ҳечам тушуниб бўлмайди. Бу ҳам етмагандек, 2002 йилнинг 22 майида мудир К. Қулмуродов уй манзилимга касбий фаолиятим ва ишга бўлган муносабатимни ўрганиш учун вилоят бошқармасига хат юборганлиги тўғрисида огоҳлантиришнома мазмунидаги хат жўнатибди. Ажабо, қайси хато ва камчилигимни кўриб чиқиш учун бошқармага хат юборди экан? Ахир мен бошликдан атиги ишни тўғри ташкил этишни талаб этгандим-ку. Қолаверса, туман ижтимоий таъминот идорасида бюджет маблағларини ноқонуний ўзлаштириш, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўловга киритмаслик, ҳеч бир асоссиз пенсия миқдорларини кўпайтириш, баъзи ҳолатларда кам пенсия тайинлаш ҳолатлари сингари кўпгина қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида юқори идораларга шикоят йўллаганман. Энг муҳими, уларда кўрсатилган важларнинг деярли барчаси ўз тасдиғини топган.

Бундан ташқари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 16 майдаги 87-сонли буйруғи асосида назоратгафтиш комиссиясининг текшируви ўтказилганда ҳам жуда кўп ҳолларда пенсия ва нафақаларнинг ортиқча сарфланишлари очиб берилди. Айни пайтда шу текширув асосида тузилган далолатноманинг туман ижтимоий таъминот бўлимида сақланаётган нусхасининг 5-бети йўқ қилинган. Мазкур ҳужжатнинг шу бетида миллионлаб бюджет маблағларининг ўмарилганлиги тўғрисидаги фактлар ўз тасдиғини топганди. Аммо шунга қарамасдан К. Қулмуродов бу сафар ҳам сувдан қуруқ чиқди. Натижада менга нисбатан у яна эски таҳдидларини давом эттириб, 2002 йил 18 июнда 178-сонли хат билан вилоят бошқармасига вазифамга нолойиқ эканлигимни билдириб, бўлимда оддий мутахассис сифатида ишда қолдиришни сўраб, яна бир хат жўнатибди. Бироқ у хатига ҳеч қандай жавоб ололмагач, яна бир янги ҳунарни ўйлаб топди. Гўёки Навбаҳор Эргашева исмли аёл онаси Хурсаной Эргашеванинг нафақа пулини ошириш учун менга 25000 сўм пора берган эмиш. Қизиғи, шикоятчи аризасида кўрсатилган вақтда мен касаллик варақасида эдим. Иккинчидан, пора олинган жой деб эски ишхонам кўрсатилган эди. Ваҳоланки, бу пайтда туман ижтимоий таъминот бўлими янги бинода фаолият кўрсатаётганига салкам бир йил бўлаётганди. Ачинарлиси, аёл билан юзлаштирув жараёнида у кимларнингдир қутқуси билан ёзганлигини тан олиб, кечирим сўради. Шундан сўнг бундай асаббузарлик ва туҳматларга барҳам бериш мақсадида бошлиқ К. Қулмуродовни Навоий туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига бериб, етказилган маънавий зарарни ундириб олмоқчи бўлдим. Аммо мазкур суднинг 2003 йил 19 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, ундан менинг фойдамга атиги 50 минг сўм ундириб берилди холос. Бундан норози бўлиб, К. Қулмуродов 6 нафар фуқарога нотўғри пенсия тайинланганлиги ва оқибатда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш вазирлигининг 2003 йилдаги 80-сонли буйруғи қўпол равишда бузилаётганлиги тўғрисида бошқармага билдиришнома жўнатдим. Бошқарма бошлиғининг 2003 йил 22 майдаги буйруғига асосан, яна текширув ўтказилди. Билдиришномада кўрсатилган фактлар ўз тасдиғини топган бўлса-да, айбдор шахсларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмади. Бундан қаноатланмай, 2003 йилнинг 25 июлида пенсияларни қайта ҳисоблаш ва тўғри ҳисоблаб тўланиши бўйича катта миқдордаги бюджет маблағлари ўмарилаётганлиги тўғрисида яна Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш вазирлигига хат жўнатдим.

Ушбу шикоятим бўйича тафтишчилар қайтадан текширув ўтказишганда яна етти нафар фуқарога нотўғри пенсия тўлаб келинаётганлиги, биргина август ойи учун фуқароларга 147 ҳолатда икки мартадан пенсия тўланганлиги аниқланди. Ортиқча тўланган маблағларнинг умумий суммаси 1286717 сўмни ташкил этди. Ажабланарлиси, марҳумлар Гулсара Умарова ва Зайнаб Каримовалар ҳаёт бўлмасалар-да, уларга мунтазам равишда пенсия тўланиб келинган. Жами бўлиб эса 745 ҳолатда 10 млн. 644 минг 890 сўм ортиқча, бошқа ҳолатлар бўйича 505 минг 445 сўм кам нафақалар тўланганлиги аниқланди. Бундан ташқари, 2002 йилнинг май-август ойларида ўтказилган тафтишда яна 10 миллион 920 минг сўмлик маблағ почта корхонаси орқали ўзлаштириб юборилганлиги аниқланди. Жами бўлиб эса 2002-2003 йилларда пенсия тўловлари бўйича 21 млн. 854 минг 800 сўмлик маблағ ортиқча тўланганлигига аниқлик киритилди. Бундан кўринадики, шикоятим бўйича ўтказилган аввалги текширувлар номигагина ўтказилган ва унда жуда кўпгина талон-тарожликлар хаспўшланиб келинган.

Шулардан келиб чиқиб, вилоят бошқармасининг 2003 йил 31 октябрда 3/02-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, 12 нафар ходимга интизомий чора қўлланилиб, 4 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Хусусан, туман прокуратурасининг 2004 йил 10 февралдаги тақдимномаси ва бош бошқарманинг 2004 йил 11 февралдаги 23-к сонли буйруғига биноан, Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари К. Қулмуродов, М. Саидов, тўлов шўъбаси бошлиғи Б. Муҳаммадиев ва қайта ҳисоблаш бўйича мутахассис И. Боларига хат жўнатдим.

Шундай қилиб, М. Саидовнинг яна сарсонгарчилик даврлари бошланди. Ниҳоят, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатининг 2004 йил 14 июндаги 3-135-04 сонли ажрими ва вилоят бошқармаси бошлиғининг 65-к сонли буйруғига кўра, М. Саидов яна ўзининг аввалги лавозимига тикланди. Жавобгар томонидан М. Саидов фойдасига давлат маблағи ҳисобидан 12 ойга 631 минг сўм иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилди. Ҳотамтойликни қаранг, гўёки буларнинг барчаси учун давлат айбдордек М. Саидовга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарар мансабдор раҳбар ҳисобчи Б. Муҳаммадиев соҳадан бутунлай четлаштирилганига қарамасдан орадан кўп ўтмай, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимида фаолият кўрсата бошлади. Масаланинг кишини ташвишлантирадиган яна бир томони шундаки, тафтишчилар бюджет маблағларини ўзлаштиришда кимлар бош-қош бўлишганлигини аниқтиниқ қилиб кўрсатиб беришган бўлишса-да, бошқарма бошлиғи улар орасига М. Саидовни ҳам тиркаб юборганлиги ҳечам тушунарсиз ва мантиқсиздир. Агар М. Саидов, ҳақиқатан ҳам, шундай камчиликларга йўл қўйганда нега унинг ишини тегишли органларга ошириш ўрнига , бор-йўғи меҳнат шартномасини бекор қилиш билан кифояланиб қўя қолинди? Қолаверса, айбдор деб топилган ходимлардан И. Тоғаев, Ш. Қодиров, К. Мамарозиқовлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги амнистия тўғрисидаги фармони муносабати билан жазодан озод этилганлиги ҳам факт-ку. Эҳтимол, “Ҳолвани ҳоким, калтакни етим ейди”, деганлари шумикин?

Шундай қилиб, М. Саидовнинг яна сарсонгарчилик даврлари бошланди. Ниҳоят, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатининг 2004 йил 14 июндаги 3-135-04 сонли ажрими ва вилоят бошқармаси бошлиғининг 65-к сонли буйруғига кўра, М. Саидов яна ўзининг аввалги лавозимига тикланди. Жавобгар томонидан М. Саидов фойдасига давлат маблағи ҳисобидан 12 ойга 631 минг сўм иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилди. Ҳотамтойликни қаранг, гўёки буларнинг барчаси учун давлат айбдордек М. Саидовга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарар мансабдор раҳбар зоровлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Вилоят бошқармаси бошлиғи Ж. Норов 2003 йил 19 декабрда айнан шу текширув натижалари юзасидан мажлис чақириб, айбдорлардан ортиқча тўланган маблағларни ундириш ва бўлимни тартибга олишга оид 11 банддан иборат талаб қўйилди. Аммо амалда уларнинг бирортаси ҳам бажарилмай, “қор ёғди, излар босилди” қабилида қолиб кетди. Қизиғи, йирик миқдордаги маблағларни ўзлаштиришчўнтагидан эмас, аксинча давлат бюджети ҳисобидан тўланди. Вилоят бошқармаси бошлиғи Ж. Норовга эса ҳеч қандай чора кўрилмади. Қийинчиликлар ортда қолиб, ниҳоят Саидов иш бошлади. Аммо бу пайтда К. Қулмуродов ўрнига Х. Норова раҳбар этиб тайинланган эди. М.Саидов пенсия таъминотига оид ҳужжатларни кўздан кечираркан, ишдаги қонунбузилишлар аввалги раҳбар давридан ҳам кўпроқ авжига чиққанини кўриб, фиғони фалакка чиқди. Бу тўғрисида янги раҳбарга бир неча маротаба билдирги киритди. Аммо унинг бу уринишлари ҳеч қандай самара бермади. Алал-оқибат М. Саидов тегишли ташкилотларга яна мурожаатларни давом эттиришга мажбур бўлди.

Бунга қадар ҳам у ижтимоий таъминот идорасида содир этилаётган камчиликлар тўғрисида назорат қилувчи идораларга 15 га яқин билдирги ва хатлар жўнатди. Аммо уларнинг аксарияти қуйи назорат идораларига қайтиб келиб, яна М. Саидовнинг бошида калтак бўлиб ўйнай бошлади. Бунинг оқибатида М. Саидовга нисбатан яна бир “ҳунар” ўйлаб топилди. 2005 йил 14 декабрида айнан М. Саидовнинг қон босими ошган, афтода ҳолда бўлиб турган бир пайтда аттестацияга жалб этилди. Соҳанинг етук мутахассиси бўлса-да, соғлиги туфайли комиссиянинг саволларига етарлича жавоб беролмади. Ачинарлиси, имтиҳон жараёнида мутахассиснинг соҳадаги на 30 йиллик иш стажи, на раҳбарлик фаолияти ёхуд соғлиғи эътиборга олинмайди. Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ қабилида у эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди. Оқибатда бундай ноҳақликлар М. Саидов учун дард устига чипқон бўлиб, 1,5 ой мобайнида шифохонада даволанишга мажбур бўлди.

— Ваҳоланки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш вазирлигининг қарорига кўра, ушбу аттестация декабрда эмас, балки 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказилиши керак эди, — дейди М. Саидов. — Суд қарори билан ишга тикланганимдан сўнг аламзада раҳбарлар унинг муддатини атайлаб пайсалга солиб иш бошлаганимга роппа-роса олти ой тўлган кунга тўғрилашиб, мақсадларига эришишди. Бу мен учун катта зарба бўлишига қарамасдан соғлигимни тиклаб олгач, қайта аттестация ўтказишни ва ўз вазифамга тиклашларини сўраб, мурожаатларни давом эттирдим. Ниҳоят, 2006 йил мартига келиб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш вазирлигининг бевосита аралашуви билан бўлимда ҳуқуқшунос сифатида иш бошладим. Аммо ҳозир ҳам ишни тўғри ташкил этиш бўйича қатор қонунбузилишлар давом этаётганлигига ҳуқуқшунос сифатида ҳечам чидаб бўлмайди. Мана бунга оддийгина мисол. Ўтган йили сиҳатгоҳлар учун кам таъминланган оилаларга берилиши керак бўлган бир миллион 200 минг сўмлик йўлланмалар бўлим бошлиғи Х. Норованинг бевосита ҳотамтойлиги туфайли ходимлар ўртасида хомталаш қилинганлигини ҳечам оқлаб бўлмайди. Агар аҳвол шундай давом этаверса, уни эса ҳеч ким назорат қилмаса, янада аянчли вазият юзага келиши ҳеч гап эмас.

Кўриниб турибдики, шунча текширувлар ва айбдор шахсларларга нисбатан кўрилган чораларга қарамасдан туман ижтимоий таъминот бўлимида ҳали-бери талон-тарожликлар барҳам топадиганга ўхшамайди. Буларнинг барчаси Мирсалим Саидовга тинчлик бермайди. Масаланинг кишини ўйлантирадиган ва ташвишлантирадиган томони шундаки, М. Саидов шу идоранинг мутахассиси ва мудир ўринбосари сифатида ижтимоий таъминот бўлимида бўлаётган талон-тарожликлар тўғрисида туман, вилоят ҳокимлигига ва туман, ҳатто вилоят прокуратураси органларига йўллаган ўнга яқин шикоят хатларининг таҳририятда сақланаётган нусхаларидан маълум бўлишича, уларнинг бирортасига ҳам жўяли бир жавоб берилмаган. Лоақал хатлар бўйича бирор марта ҳам текширув ўтказилмаган. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан келган тафтишчилар эса шикоятда келтирилган важларни хаспўшлаб кетаверишган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастурида белгиланганидек, нафақаларнинг мақсадли сарфланишига нафақат ижтимоий таъминот бўлими раҳбарияти, балки маҳаллий ҳокимият ва прокуратура органлари раҳбарлари ҳам масъулдирлар. Бугунги кунда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар ва пенсионерларни ижтимоий муҳофоза қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилаётган бир пайтда Хатирчи туман ҳокимияти, прокуратураси ва бошқа ташкилотларнинг мутасаддилари юқорида таъкидлаб ўтилган нафақаларнинг мақсадсиз сарфланаётганлигини била туриб, қўл қовуштириб турганини қандай баҳолаш мумкин? Ўйлаймизки, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш бошқармаси, туман ҳокимияти ва прокуратура органлари мутасаддилари бу масалани атрофлича ўрганиб, юқоридаги масалага яна бир ойдинлик киритадилар.

## Дараклар

### Африка ягона ҳукуматга бирлашмоқчи

***Ливия раҳбари Муаммар Қаззофий ва Зимбабве президенти Роберт Мугабе Африканинг 53 мамлакати учун ягона федерал ҳукумат ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди.***

Давлат раҳбарларига кўра, федерал ҳукумат Африка иттифоқи асосида ташкил этилиши керак. Шунингдек, Африка умуммиллий ҳукумати 800 миллион аҳолига эга бўлган қитъанинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш, ташқи хатарларга қарши биргаликда курашга имкон беради.

Айтиш керакки, бунга қадар ҳам Африка мамлакатларини бирлаштириш борасида турли ғоялар илгари сурилган. Масалан, бундан 50 йил муқаддам Гана президенти Кваме Нкрума Африка қўшма штатларини ташкил этиш таклифини айтганди. Бироқ бу ташаббус кўплаб сиёсатдонлар томонидан салбий баҳоланган.

### Ferrari Гиннес рекордлар китобига кирди

***Ferrari автомобили эгалари бир маркадаги машиналарни бир жойга йиғиш бўйича дунё рекордини ўрнатишди.***

Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган ҳодиса Буюк Британиянинг Силверстоун мавзесида қайд этилди. Ушбу акцияда турли русумдаги Ferrari машиналари иштирок этди: Англия шаҳрида F40, F50, Enzo каби замонавий русумдаги автомобиллар билан бирга Ferrarinинг 250 California Spider, 275 GTB/C, 250GTO каби дастлабки авлод машиналарини ҳам кўриш мумкин эди.

Рекорд қайд этилиши учун акцияда иштирок этган 400 га яқин машина занжир ҳосил қилган ҳолда уч километрдан ошиқ масофани босиб ўтган.

Жорий йилда Ferrari машинасининг 60 йиллиги нишонланиши кутиляпти. Янги ўрнатилган рекорд ҳам жаҳонга машҳур автомашинанинг юбилей санасига бағишланди.

**Маъмура САМАТОВА**
тайёрлади

## Нигоҳ

# Фаластин: кечувда отлар алмаштирилмайди...

## Мухторият ҳудудида қўшҳокимият юзага келди

**Фаластинда воқеалар бу тахлит шиддат билан ўзгариб кетишини ҳеч ким кутмаганди: мухториятдаги ҳар бир ҳодисани диққат билан кузатиб турган Исроил ҳам, минтақадаги нотинч вазиятни бартараф этиш учун ўз режаларини илгари сураётган АҚШ ҳам, ниҳоят, ярим асрдан зиёд қирғинларга шоҳидлик қилиб келаётган қўшни мусулмон мамлакатлар ҳам.**

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Фаластиндаги икки етакчи сиёсий ҳаракат — ФАТҲ ва ХАМАС ўртасидаги биродарлик алоқалари ғанимларча муносабатга айланганига анча бўлди. Макка шаҳрида ўтган музокаралардан кейин гўё икки ўртада сулҳга эришилди: Маҳмуд Аббос ва Исмоил Хония тарафдорларидан ташкил топган коалицион ҳукумат тузилди. Бироқ миллий бирлик ҳукумати тўғрисидаги гаплар ҳаммаси алдов бўлиб чиқди. Афтидан, Фаластин ҳукумати учун (мустақиллиги учун эмас!) курашаётган ҳар икки ҳаракат миллий бирлик ҳукумати баҳонасида вақтдан ютишга ҳаракат қилишди: бу ёқда гўё тинчлик битимига имзо чекиб, у ёқда ҳал қилувчи кураш учун ҳарбий тайёргарликка зўр беришди.

Бу эса пировардида Фаластин сиёсий саҳнасида туб бурилишларга олиб келди. Исмоил Хония бошчилигидаги ХАМАС ҳаракати Ғазо секторида давлат ичидаги давлатга асос солди. Ҳаммаси Фаластин бош вазири Исмоил Хониянинг қароргоҳи ФАТҲ гранатамётларидан ўққа тутилганидан кейин бошланди. Аслида мазкур икки ҳаракат ўртасидаги кураш кўпдан бери давом этиб келаётган эди. Ҳукумат раҳбари уйига қилинган ҳужум эса оловга мой сепгандай бўлди.

МАМЛАКАТ бош вазири етакчилигидаги ХАМАС ФАТҲга қарашли объектларни қурол кучи билан бирин-кетин эгаллади. Мухторият раиси (айни пайтда ФАТҲ раҳнамоси) Маҳмуд Аббос ҳам дастлаб ХАМАСнинг қуролли юришини кунда-кунора рўй бераётган тўқнашувлардан бири деб қабул қилди. Бироқ ФАТҲ ҳаракатининг Ғазо секторида энг ишонган тоғи — хавфсизлик хизмати идораси эгалланиб, бино томига ХАМАС байроғи ўрнатилгандан кейин Ёсир Арофатнинг вориси вазиятни англагандай бўлди. Бироқ энди кеч бўлганди. ХАМАС ҳаракати Ғазо секторидан Маҳмуд Аббос тарафдорларини бутунлай ҳайдаб чиқарди ва ҳудудда ўз ҳокимиятини ўрнатди.

ШУ ТАРИҚА Фаластинда қўшҳокимият юзага келди. Айни пайтда Рамаллоҳ, Наблус каби йирик шаҳарлар жойлашган Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида мухторият раиси Маҳмуд Аббос ҳукмронлик қиляпти. Ғазо ҳудудида эса бош вазир Исмоил Хония етакчилигидаги ХАМАС ҳаракати назорати ўрнатилган.

Очиғи, Ғарб сиёсатдонлари учун Фаластиндаги сўнгги ўзгаришлар ҳудди саратонда қор ёққан каби кутилмаган ҳодиса бўлди. Аслида мухторият ҳудуди иккига бўлиниб, у ерда қўшҳокимият юзага келгани ғарбликларни кўп-да ташвишга қўяётгани ҳам йўқ (ярим асрга яқин вақт мобайнида Фаластин ҳудудида бундан баттар воқеалар ҳам рўй берган). Ғарб сиёсий доиралари учун кутилмаган зарба шу бўлдики, улар томонидан қўллаб-қувватланган ва ишонч билдирилган Маҳмуд Аббос умидларни оқламади. Каттакатта мамлакатлар томонидан қўпорувчи гуруҳ деб эълон қилинган ХАМАСдан мағлубиятга учради.

Рақиб ҳаракатнинг ғалабаси ФАТҲ аъзолари томонидан ҳам нохушлик билан қабул қилинди. Гуруҳ аъзолари орасидан барча айбни Маҳмуд Аббос зиммасига юклаб, унинг истеъфосини талаб қилиб чиққанлар ҳам бўлди. Бу эса шахсан Ёсир Арофатдан кураш таёғини мерос қилиб олган арбобнинг ишлари кўнгилдагидек эмаслигидан далолат...

МУХОЛИФ устидан эришилган зафар нашидасини сураётган ХАМАС раҳбарларининг ўзлари ҳам бу хурсандчилик омонат ва вақтинча эканини яхши билишади. Ташқи хавф-хатар ва таҳдидларни айтмай қўя қолайлик, ХАМАС ҳаракатининг ўзида ҳам ички ихтилофлар аста-секин етилиб келяпти. Ички зиддиятларнинг асосий сабаби — яна ўша ҳокимият васвасаси...

ХАМАС ҳаракати сиёсий ва ҳарбий икки қанотдан ташкил топган. Гуруҳнинг ҳарбий қанотига муҳожирликда ҳаёт кечириб келаётган Холид Машал раҳбарлик қилади. Ҳаракатнинг сиёсий тармоғига эса мухторият бош вазири Исмоил Хония етакчи саналади. Айни пайтда ХАМАС ҳарбий қаноти раҳбарининг нуфузи жуда баланд. Чунки ФАТҲга қарши зафарли юришларни ҳам айнан ушбу қанот олиб борган. Урушлар кетаётган пайтда Исмоил Хония ўз тарафдорлари билан панарокда жон сақлаб туришни афзал билган.

Хўш, янги ташкил топган тузилмага ким раҳбарлик қилиши керак: мафкуравий етакчи Исмоил Хониями ёки ҳарбий қўмондон Холид Машал? Ҳозирданоқ катта-кичик давраларда очиқ муҳокама қилинаётган бу саволга осонликча жавоб топиш амри маҳол.

Тан олинмаган янги давлат (Ғазо)нинг раҳбари ким бўлса ҳам, қурол йўли билан ҳокимиятнинг эгалланган жуда хунук манзара бўлди. Аслида Фаластин учун оғир дамлар бўлган ўтиш даврида бу тахлит жиддий сиёсий ўзгариш, ҳокимият алмашуви зарур эмас эди. Ўзаро қирғинларга берилиб кетган сиёсий гуруҳлар қадимдан қолган "Кечувда отлар алмаштирилмайди" ҳикматини эсдан чиқаришди...

Фаластиндаги ҳодисаларга халқаро ҳамжамиятнинг муносабати аён-равшан эмас. АҚШ сўнгги ўзгаришларни баҳолар экан, вазиятни тинч музокаралар йўли воситасида бартараф этиш кераклиги хусусида умумий муносабат билан чекланди. Шунга қарамай, мазкур баёнотдан Оқ уй Маҳмуд Аббосни қўллашда давом этаётганини билиб олиш қийин эмас.

Европа Иттифоқи давлатлари ХАМАСга душманларча муносабатни сақлаб қолган кўринади: Ғазо сектори Исмоил Хония тарафдорлари томонидан эгалланганидан кейин ҳудудга юборилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳам тўхтатилди.

Россия сўнгги ҳодисалардан ҳали жиддий хулоса қилиб улгурмади шекилли, мамлакат ташқи ишлар вазири Сергей Лавров томонларни Маккада эришилган миллий бирлик ҳукумати тўғрисидаги битимга қайтишга чақирди (мухторият иккита мустақил ҳудудга бўлиниб кетган ҳозирги вазиятда коалицион ҳукумат ҳақидаги гаплар кун тартибидан аллақачон тушганини Москва томони ҳам яхши билади).

Кўшни араб давлатлари одатдагидек Фаластиндаги ўзгаришларга муносабат билдиришга шошилишмаяпти. Бу кетишда вазият бир ёқли бўлмагунча араб мамлакатларидан бирор бир аниқ баҳо кутмаса ҳам бўлаверади.

ДАРВОҚЕ, сиёсий ўйинларнинг бевосита ва фаол иштирокчиси Исроил томони позицияси хусусида. Фаластиндаги охирги ҳодисалардан кейин Исроил расмийлари ҳар икки томон билан алоҳида тартибда музокаралар олиб борилишини маълум қилганлар. Исроил томонининг тезкор реакциясини тушуниш мумкин: кўшни ҳудудда рўй бераётган ҳар бир ўзгариш, инчунин, қуролли тўқнашувлар яҳудий давлати юрагида акс-садо беради. Қолаверса, Фаластинда юзага келган бу тахлит кучлар ва ҳокимият бўлиниши Исроил учун айни муддао ҳамдир. Ҳарқалай, ўзаро бир-бири билан курашга киришиб кетган томонлар бир муддатга бўлса ҳам мустақил давлат тузиш тўғрисидаги мақсадлардан чалғишади...

Исмоил ХОНИЯ

Маҳмуд АББОС

**ФАЛАСТИН мухторияти**
**Аҳолиси:** 3,8 млн. (2006, БМТ маълумоти)
**Ҳудуди:** 5970 кв. км — Ғарбий қирғоқ ва 365 кв. км — Ғазо сектори
**Пойтахти:** Шарқий Қуддус
**Пул бирлиги:** иордан динори
**Асосий экспорт маҳсулоти:** цитрус мевалари
**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад:** 1120 доллар (2006, Жаҳон банки маълумоти)

## Тафсилот

# Чуқурлашиб бораётган муаммо

## Жамоатчиликка кенг ахборот бериш одам савдосига қарши курашда муваффақият омили бўлиши мумкин

Дунё миқёсида одам савдоси тобора жиддий муаммога айланиб боряпти. Ривожланаётган мамлакатлардан тараққий этган давлатларга иш излаб бораётган фуқаролар сонининг ошиб бораётгани, ноқонуний миграция жараёнининг кучаяётгани мазкур глобал муаммонинг чуқурлашиб кетишига сабаб бўляпти.

АҚШ Давлат департаменти яқинда жаҳон мамлакатларида одам савдоси муаммосига бағишланган еттинчи анъанавий йиллик ҳисоботни эълон қилди. Мазкур ҳисобот тақдимоти муносабати билан баёнот берган Америка Давлат котиби Кондолиза Райс одам савдосига қарши кураш самарали бўлиши учун бу борада жамоатчилик кўпроқ маълумотга эга бўлиши кераклигини таъкидлади.

АҚШ ноқонуний трафиканинг олдини олиш учун жиддий чора-тадбирлар олиб боряпти. Маълумотларга қараганда, мамлакат биргина 2006 йили одам савдосига қарши лойиҳалар учун 74 миллион доллар ажратган. 2001 йилдан буён эса мазкур йўналишдаги дастурлар учун 448 миллион доллар маблағ сарфланган.

Айни пайтда йилига 800 минг киши мазкур глобал муаммо қурбони бўляпти. Энг ачинарлиси, замонавий қулдорлик жинояти қурбони бўлаётганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир.

Давлат департаментининг глобал муаммога бағишланган ҳисоботи 236 саҳифадан ташкил топган. Ҳужжатда дунё мамлакатлари ноқонуний трафикага қарши кураш борасидаги ҳаракатларига мувофиқ учта гуруҳга таснифланган. Биринчи тоифага одам савдосига қарши самарали кураш олиб бораётган давлатлар киритилган. Ушбу гуруҳда илк бор Чехия, Венгрия, Словения, Грузия каби мамлакатлар номи қайд этилган.

Иккинчи гуруҳга ноқонуний трафика олдини олиш бўйича сезиларли ютуқларга эришаётган, бироқ бу борада қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлган давлатлар киритилган. Ҳисоботга кўра, уларнинг умумий миқдори 75 тани ташкил этади.

Учинчи гуруҳда одам савдосига қарши зарур чора-тадбирлар олиб боришда сусткашлик қилаётган давлатлар номи қайд этилган. Ҳисоботда умумжаҳон муаммосига қарши курашда муваффақиятга эришиш учун мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланган.

**Абдул СОБИР**
тайёрлади

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

## Таҳлил

# Ҳоким масъулияти

## буни англаш ҳар бир раҳбарнинг бурчидир

Эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан бораётган республикамизда замонавий раҳбар кадрларга эҳтиёж янада ошмоқда. Мамлакатда йўлга қўйилган ҳар қандай ислоҳотларнинг тақдири, унинг самараси, ҳаётимизга таъсири, аввало, кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига боғлиқ бўлиб қолаверади. Агар бу жиҳатларни ҳокимлар мисолида олиб қаралса, улар қанчалик халқпарвар, фидойи бўлса, нур устига нур бўлади. Бугун бу муаммо оғир масалалардан бирига айланиб қолаётгани кўпчиликка маълум ва у ўз вақтида аниқлик билан ечимини топса, олдимизга қўйилган пировард мақсадларимиз муваффақиятли амалга ошиши шубҳасиз.

Республикамизда 1992 йил 4 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида"ги ва 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларга кўра ҳокимлик институтлари ташкил қилинган ва уларнинг фаолият доираси белгилаб берилган эди.

Йиллар давомида бошқарувнинг бу тизимида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Аввало, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди, вазифалари кенгайтирилди ва фаолияти эркинлаштирилди. Юқори ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисми қуйи ҳокимиятлар зиммаси юклатилди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритилди. Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари бир қисмининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига берилди. Бу эса ўз ўзини бошқариш идоралари нуфузининг ортишига, ҳуқуқларининг кенгайишига олиб келди. Бундай ижобий ўзгаришлар, амалий чора-тадбирлар охир-оқибатда маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида шаклланган ижтимоий руҳиятга қатъий зарба берди. Бир сўз билан ифодалаганда, ҳоким халқ билан ишлаши, доимий унинг назоратида бўлиши учун шароит яратилди.

Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақият топиши кўп томонлама маҳаллий ҳокимият институтларининг фаолиятига ҳам боғлиқ. Бунда катта масъулият ҳоким зиммасига тушади. "Ҳокимлар Президентнинг жойлардаги вакилларидир, — деган эди Юртбошимиз. — Президент олға сураётган сиёсатни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир".

Жаҳон бошқарув тажрибасидан маълумки, давлатнинг бюрократик аппарати қатта бўлса, давлат номидан иш олиб борадиганлар кўп бўлади. Уларни назорат қилиш имкониятлари камаяди ва талай муаммолар туғилиши мумкин. Буни биз собиқ Иттифоқ даврида ҳам кузатганмиз.

Бугунги кунда мазкур тизимда иш услубини тубдан янгилаш, меҳнатга муносабатни ўзгартириш, кишилар меҳнатининг самарасини ошириш, лўнда қилиб айтганда, ҳаётимизни яхшилаш ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти, хўжалик раҳбари, туман раҳбарининг фаолиятига боғлиқ бўлиб қолди.

Сўнгги йилларда ҳокимлик институтлари бошқарувида кадрлар сиёсатида олиб борилган ислоҳотлар кўплаб ижобий томонларини кўрсатди. Аввало, эски замон тарбияси билан суяги қотган, аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга ғов бўлиб турган ҳокимлар, раҳбарлар бошқарувдан четлатилди. Янгиликдан қўрқадиган, масъулиятни ўзига олмайдиган, олдимизда турган бугунги ҳаёт талабларини тушунишни хоҳламайдиган бундай раҳбарлар тараққиётга ғов бўлади. Энг ёмон ва хавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакили деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обрўсини тўкади.

Ваҳоланки, бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларининг савиясига, инсофига, ишбилармонлигига ва тадбиркорлигига боғлиқ. Раҳбарнинг ўз масъулиятини, берилган ваколатларини англаши, изланиши, ташаббускорлик, тадбиркорлик руҳи билан яшаш ва курашиши — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Ҳамма жойда ҳам аввало раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолияти, юриш-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий қиёфасига қараб, фуқароларнинг, умуман жамиятнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ортади ёки бутунлай йўқолади.

Халқ ҳамиша кузатувчанлик туйғулари билан яшайди. Мансаб курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга қанчалик уринмасин, элюрт назаридан бирор бир нарсани яшириш мумкин эмас. .

Республикада эришилган тажриба шуни кўрсатадики, бошқарувдаги одам бевосита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши керак.

**Мадамин РАҲИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

# Судланган одам

## яна раҳбарликда ишлаши мумкинми?

Мумкин экан. Булунғурда худди шундай бўлди. Тўғриси, бундан бир биз эмас, кўпчилик ҳайрон қолди. Баъзилар ҳатто шундай иш қилиб ҳам раҳбар бўлавериши мумкин экан-да, деган хулосага келишди...



Воқеа қуйидагича рўй берган эди. Булунғур туманининг собиқ "Килдон" ширкат хўжалигида шу хўжаликнинг 450-454 контурида жойлашган 2,6 гектар тераксорни ижарага бериш учун 2006 йил 20 март куни ким ошди савдоси ўтказиш белгиланди. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибларини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги низомида гарчи "Танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилишидан ўн кун олдин тўхтатилиши лозим" дейилган бўлса-да, сотилаётган теракзор учун тугатиш комиссияси хазинасига топширилиши лозим бўлган гаров пули уч кун кейин, яъни 2006 йил 23 март куни қабул қилинади. 527280 сўм миқдоридаги пул аслида Афғонистон фуқароси Зибуллоҳ Амруллоҳга тегишли бўлиб, лекин танловда қатнашаётган Нарзикул Аралов номидан топширилди деб қалбаки ҳужжат қилинади ва у орадан уч кун ўтган бўлишига қарамай тегишли ҳисоботларга қўшиб қўйилади.

Бу ҳам камлик қилганидек, собиқ "Килдон" ширкат хўжалигида ғазначи бўлиб ишлаган Анварбек Ёқубов, фермер хўжаликларидан бирида масъул вазифада ишлайди деб кўрсатилган Қўлдош Каримов ва "Килдон" ширкат хўжалигининг собиқ раиси Ислом Бурлиев ва бош ҳисобчи Муҳаммад Сарибоев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2006 йилни 17 май куни Афғонистон фуқароси Зибуллоҳ Амруллоҳдан яна 5 миллион 860 минг 600 сўм нақд пул қабул қилиб олиб, 26 май кунги кирим натижасини сохталаштиришади. Энг қизиғи, ким ошди савдосида Нарзикул Аралов акаси Саидқул Аралов билан "беллашади" ва шубҳасиз ғолиб чиқади...

Албатта, ҳақ қарор топади — сир очилади. Жиноят ишлари бўйича Булунғур тумани судининг 2007 йил 20 март кунги ҳукмига кўра Ислом Бурлиевга энг кам иш ҳақини 100 баравари (940 000 сўм) миқдорида жарима, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум қилинади.

Муҳаммад Сарибоевга эса энг кам ойлик иш ҳақини 300 баробари, яъни 2 миллион 820 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинланади ва 2 йил муддатга мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик талаб қиладиган вазифада ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Ва бошқалар ҳам табиийки муносиб жазосини олади.

Жазо — муқаррар. Бу жуда яхши. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек собиқ "Килдон" ширкат хўжалигига раислик қилган даврида ва ундан кейин ҳам амалдаги қонунларга хилоф иш қилган, жиноий иш қилишгача борган Ислом Бурлиевдек шахснинг шунча ишдан кейин ҳам "Килдон" муқобил машина-трактор паркига (ММТП) раислик қилаётгани ғоятда ажабланарли ҳол, деб ҳисоблаймиз. Бу бошқалар тугул ҳатто оддий фуқароларда ҳам турфа хил фикр уйғотиб, турфа хил хулосага келишга имконият яратмайдими?...

**Темурхон ЛАПАСОВ,**
**Абдусаид МАВЛОНОВ,**
**Зебунисо РАҲИМОВА**

***Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети юридик клиникаси янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келаётган клиника биносининг тақдимотида БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили ўринбосари Киоко Постилл, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги дастурлари мувофиқлаштирувчиси Мирослав Енча, шунингдек, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети раҳбарияти вакиллари иштирок этишди.***

## Бепул ҳуқуқий ёрдам олиш мумкин

Университет қошида бир неча йилдан буён фаолият юритиб келаётган клиника, энг аввало, талабаларнинг ҳуқуқий соҳадаги дунёқарашини кенгайтириш, олинаётган назарий билимларни амалиёт билан ҳамоҳанг ҳолда мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Шу билан бирга клиника ҳуқуқий ёрдам олиш имконига эга бўлмаган аҳоли гуруҳига маслаҳат ва йўриқлар бериш орқали фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишларига ҳисса қўшиб келмоқда.

Барча соҳа вакиллари каби ҳуқуқшуносларнинг самарали ва муваффақиятли фаолияти ҳам биринчи навбатда яратилган иш шароити билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода клиниканинг замонавий талаблар асосида қайта таъмирланган ва жиҳозланган биноси иш фаолиятининг такомиллашишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Тақдимот доирасида меҳмонлар клиникада ходимларнинг иш тарзи, келгуси режалари билан танишдилар. Шунингдек, тадбир давомида юридик клиника экспертлари томонидан тайёрланган «Фуқаролик ишлари бўйича судларда жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» қўлланмасининг тақдимоти ҳам бўлди. Қўлланмада оила, меҳнат, турар-жой ва бошқа фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнлари амалий мисоллар билан очиб берилган. Бу эса соҳани ўрганувчилар учун қимматли манба ҳисобланади.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети юридик клиникаси биноси БМТ Ривожланиш дастури ёрдамида таъмирланди.

Тадбирда иштирок этган БМТРДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Киоко Постилл бугунги кунда юридик клиникалар малакали ва чуқур билимли мутахассисларни тайёрлашда самарали восита бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. БМТ вакили, шунингдек, халқаро ташкилот бундан буён мамлакатдаги юридик клиникаларни қўллаб-қувватлашда давом этишини билдирди.

**С. КАМОЛОВ**

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Таассуф

# Валсга тушган келин-куёвлар

***Таҳририятимизда ишлайдиган бир қизнинг никоҳ тўйида қатнашдик. Бир ҳафта ўтгач, келинчак ишга келди. Янги келин эмасми, ҳар куни ҳар хил кийим кийиб келади.***

***Бир куни юпқа қизил гулли шифон кўйлакда ишга келибди. Алишер деган шартакироқ ҳамкасбимиз кўпчиликнинг олдида келинчакка қараб кетма-кет савол берди (Бу ҳолатни ҳазм қилолмади, шекилли):***

***— Келин, уйда қайнона бормилар?***

***— Бор.***

***— Қайин ота-чи?***

***— Борлар.***

***— Куёвбола уйдами? Ёки хизмат сафарига кетиб қолдими?***

***— Йўқ, нега буларни сўраяпсиз?***

***— Мен учовини ҳам йўқ деб ўйлабман. Бор бўлганида ишга кузатаётиб, қайт, кўйлагингнинг бошқасини кий, деб айтармиди?***

**Анвар АБДУВАЛИЕВ**

Келинчак қилган хатосини тушинди. Кўзи ёшланиб, ишдан кетиб қолди.

Йиллар ўтди. Яқинда унинг келин олганини эшитиб табриклагач, "Қўпол боланинг гапларидан хафа бўлмаганмидингиз", деб неча йил аввалги воқеани ҳам эслатиб қўйдим.

— Йўқ, Алишер ака тўғри гапиргандилар. Мана ўзим қайнона бўлиб келинимни очиқ-соқич, ёпишқоқ шим, калта кўйлакда кўчага чиқариш катта гуноҳ эканлигини тушуниб етдим, — деган гапни айтди.

Энди асосий мавзу, яъни мақола сарлавҳасидаги воқеага ўтсам. Тошкентнинг энг муҳташам тўйхоналаридан бирига таклиф этилдик. Яқинларимиздан бири ўғлини уйлантираётган эди.

Ўғил Фарғонадан, қиз томон тошкентлик. Меҳмонлар тўкин дастурхон атрофидан жой олишди. Карнай-сурнай садолари остида куёв-келин тўйхонага кириб келишди. Ўзбек тилини чала-чулпа биладиган бир йигит билан қиз икки тилда тўтидай сайраб, тўйни очгандай бўлишди-ю навбатни... кимга денг, келин-куёвга беришди. Улар вальсга тушдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Мен келинни кўйлаги, агар шу кўйлак дейилса, тушиб кетмасмикан деб чўчигандим. Чунки кўкрак тепаси қип-яланғоч, ҳатто ушлаб турадиган ипи ҳам кўринмасди-да. Бир-биримизга қараб ёшлар бахти-саодати учун қадаҳларни жаранглатиб биз ҳам ўз "ишимиз"ни бошлаб юбордик.

Ниҳоят, вальс тугагач, ҳалиги тўтилар яна бир каромат кўрсатди. "Дами приглашает кавалеров" — "Хонимлар йигитларни рақсга таклиф этади" деворса бўладими? Ана бошланди.

Ён-атрофимизда ўтирган баъмани кийинган ёши каттароқ аёллар кошонадан секин чиқиб кета бошлашди. Жуфтликлар рақси эса тугай демайди сира. Шу орада таниш меҳмонлардан бири ёнимга келиб, "Дўстим, биз турдик, йўл олис, уйга етиб бормасак бўлмайди", деб узр сўради. "Шунча йўлдан келиб..." дедим-у, уни тушунгач кузатгани кўчага чиқдим.

Хайрлашиш чоғида дўстим: "Шу тўй баҳона қадрдонлар билан дийдорлашиш ниятида келгандим, тўғриси, бўғилиб қолдим. Келин-куёв Европада ўқиган бўлса, уларнинг ота-оналари ўзга юртда туғилиб, ўша ерларда катта бўлмаганди-ю", деган гапни айтди. Ичкарида яна ўша манзара. Грузиядан келган меҳмон қадаҳ кўтариб ярамни янгилади. У: "Келин-куёв ҳақиқий ўзбек миллатига хос, ўзбек оиласи бўлсин", деган гапни алоҳида урғу бериб таъкидласа бўладими? Олим йигит экан. Грузинларга хос талаффуз билан рус тилида гапирган бу йигит ҳамма нарсани тушуниб етган эди, барчамизни юзимизга бир шапалоқ тортиб юборгандай бўлди.

Ўша кунги тўйда эсда қоладиган биргина карнай-сурнай овози, қолгани русча, туркча, арабча, яна қайсидир миллат куй-қўшиғи бўлди.

Тўғриси, тўкин дастурхонли тўй кўпчиликка татимай тарқалишдик. Ўша куни бундан икки йилча аввал бир тўйда артист қизнинг "ҳунар"ини кўриб ҳайрон бўлганимда, бир дўстим: "Ажабланманг, одамларнинг савиясини қандай санъаткорни тўйига таклиф қилишидан ҳам билса бўлади", деган гапларини эсладим. Майли, савияси шу бўлса, деб ўзимни овутаман.

***Яна валсга тушган келинчак ҳақида. Момоларимиз ёш келинни чиллада деб аяган, кўпчиликнинг назаридан иложи борича олиб қочиб асраганини кўрганмиз, эшитганмиз... Бир қишлоқда бир оиланинг ажрашиши шу қишлоқ аҳли учун катта ташвиш,йўқотиш бўлганлигини ҳам ёши қирқдан ошганлар яхши билишади. Энди-чи? Бу борадаги рақамлар...***

Назм

# Бир парча нур

**Маъмур БОЗОР АЛИ**

*Ёғдуга интилиб яшайди инсон,*
*Ёруғликдан олар ҳаёт ва ҳузур.*
*Аъмоли эзгулик бўлар бегумон,*
*Дил тўрида бўлса гар бир парча нур.*

***

*Янги кун ташвишин қанотга ортиб,*
*Қушлар тарк этар шоҳу бутоқни.*
*Ҳовлиқма хўрозлар томоғин йиртиб,*
*Уйқудан уйғотар сокин қишлоқни.*

*Тун бўйи мудраган супурги энди*
*Келинчак қўлида ўйнайди бурро.*
*Чилласи чиқмаган сулувни кўриб,*
*Кўчалар ўзига беради оро.*

*Кипригин очмаган гулни уйқуда*
*Шўх сабо эркалаб бир ўпиб ўтар.*
*Повуллаб соғилган сутнинг рангидан*
*Тонгнинг юзи оппоқ оқариб кетар.*

***

*Уфқ ўғирлаб қўяр «олтин товоқ»ни,*
*Чуғурлаб дод солар жонсарак қушлар.*
*Товуқлар тўлдирар бир-бир қўноқни*
*Кўрмоққа шайланиб энг ширин тушлар.*

*Тун чўкар қоп-қора улкан туядек,*
*Чироқлар кўксида ёнади олов.*
*Бўйи етган қизлар тундан уялиб*
*Пардани тушириб олишар дарров.*

*Осмонда юлдузлар навбат талашиб*
*Порлайди ўқишиб сирли афсунлар.*
*Кўчаларни хайрон қолдириб шошиб,*
*Хоналарга кириб кетар шовқинлар.*

*Ҳар жойда сачраган ёғдулар турфа,*
*Зулматнинг юзига нурларин чаплар.*
*Қора қозон — тунни қиздирар аста*
*Кун бўйи ўтиндай йиғилган гаплар.*

***

*Жуда ҳам содда-да, у — жуда оми,*
*Дунёвий гапларни англамас, билмас.*
*Фақат оиласидир бор-йўқ олами.*
*Ўзгалар билан ҳеч юмуши бўлмас.*

*Барчага ўхшайди битта қарашда,*
*Ўзига ярашар омилиги ҳам.*
*Илмли такаббур неча мараздан*
*Буюкроқ аслида бу оми одам.*

*У аслида жуда бошқача одам,*
*Хос амалдор қилиб туққан онаси.*
*Умрида бир марта бирор жойга ҳам*
*Пиёда бормаган эди, чамаси.*

*Ким ҳам билар тақдир ўйинларини*
*Ё шу ёзилганми пешонасига:*
*Пиёда қолди у қайси бир куни,*
*Недир бўлиб хизмат машинасига.*

*Кўчага чиқди у белини ушлаб,*
*Атрофни кузатди қизиқиб бироз.*
*Энди «той-той» қилган болага ўхшаб,*
*Кейин юра кетди одимлаб ғоз-ғоз.*

*Юриб кўникмаган ахир не қилсин,*
*Беўхшов тушарди ҳар бир қадами.*
*Тонгнинг ҳавосини симириб лекин*
*Яйраб борар эди бутун бадани.*

*Кимлигин унутди, қувониб кетди*
*Мусаффолик ювиб ғуборларини.*
*Мўъжиза кўргандек томоша этди*
*Бир уйнинг нураган деворларини.*

*У ҳали кўп ҳислар кўрарди тотиб,*
*Афсуски, шўрликни маҳрум этишди.*
*Сабил машинани қайдандир топиб,*
*Уни бир буюмдек олиб кетишди.*

***

*Гулни суйган шўрлик гулпараст кўнгил*
*Покиза масканни, гулни соғинар,*
*Ҳислари чириган иймонсиз буткул*
*Кимсалар пул излар, пулга сиғинар.*

*Ўзганинг ҳақини омонат билган*
*Диллар наҳот энди алдовга кўнди?!*
*Ҳеч нарса қолмади муқаддас бўлган,*
*Барчаси, наҳотки, бозорга дўнди?!*

*Бозор шовқинида жин базм қуриб,*
*Ўғрини ўғрию, ғарни ғар шилар.*
*Хотину қизларин бозорга қўйиб,*
*Орият ҳақида сўзлар орсизлар.*

Акс-садо

***"Hurriyat" газетасини қадрлаймиз. У илк бор дунё юзини кўрганидан буён орадан ўн йил ўтган бўлсада, мунтазам мутолаа қилиб борамиз. Касб тақозосига кўра газетани ўзимизники деб қараш туйғуси бизда кучлироқ. Ундаги катта-кичик, турли-туман мавзуларга доир чиқишлардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Айнан шу нашрда журналистнинг ҳақ сўзи баралла эшитилиб туради. Боз бошқаларда фикр-мулоҳазалар уйғотгани, фикрлашга даъват этиб, холис минбарга айланаётгани, шубҳасиз, эътиборлидир.***

# Фикр туғиляпти

Газетанинг янги йил илк сони журналистнинг туман газеталаридаги фаолиятига оид мунозарали мақола билан кутиб олингани ҳам фикримизнинг аниқ далилидир. Тўйтепалик ижодкор, муҳаррир Ҳамид Норқулнинг "Туман газетасида ишлаш осонми?" мақоласида журналистларнинг бугунги дунёқараши, иқтидори, теварак-атрофимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабати хусусида сўз юритилибди. Жумладан, муаллиф кўп ҳолатда ҳамкасбларимиз бир хил қолипда ёзишга кўникиб қолишаётганидан хавотирланади. Изланиш — журналистларнинг ҳар кунги изтироби бўлиши керак, деб уқтиради.

Муаллиф айни ҳақиқатни ёзибди. Бинобарин, бугунги журналист ҳар қандай шароитда ҳам халқ тилининг учида турган оғриқли муаммоларни зийраклик билан илғаб, ҳикоя қилиш маҳоратига эга бўлмоғи лозим.

Аёнки, туман газеталари молиявий мустақил бўлиб олганига нари-бери ўн йилдан ошяпти. Муассис ҳисобланган туман ҳокимлиги ўз маҳаллий нашрига эътиборлироқ бўлган жойларда миллий ғоя тарғиботи баробар обуна ишлари ҳам анча фаолроқ амалга оширилмоқда. Бундай эътибор туфайли журналистлар ўз юмушлари бир ёқда қолиб, идорамаидора:"Обуна бўлинглар", деб юришларига ҳожат қолмаяпти.

Ўзи раҳбарлик қилаётган туманнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини газета орқали кузатиб туришни ихтиёр қилган ва шунга ўзида зарурат сезган муассис обуна муаммосини бир-икки йиғиндаёқ талабчанлик билан ҳал қиляпти. "Чағониён"-ни олиб кўринг. Ҳозир бу газетанинг Денов тумани ҳудудидан чиқиб, республика миқёсида ёйилаётгани мақтовга сазовор воқеадир. Бу муассиснинг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий масалаларга қанчалик ҳушёрлик билан муносабатда бўлаётганидан далолатдир. Аммо ҳамма муассислар ҳам шундайми? Қани эди, шундай бўлса.

Ҳар бир касб эгаси сингари газетанинг "қаттиқ нон"ини баҳам кўришга ўзида қаноат топган журналист ҳам озгина эътиборга, озгина қадрга муҳтож. Ҳамма жойда ҳам журналистнинг меҳнати муносиб қадр топяптими? Айниқса, туман шароитида.

Эътибор қилинг-а, ҳаётдаги кемтик бир ҳолат ҳамма учун одатдаги воқеага айланаёзган пайтда қалам соҳиби уни шундоқ "ҳазм" қилиб юборолмайди. Дарров фактлар жамлашга, ўрганишга, изланишга киришади. Орада қанча одамларнинг қимматли вақтини олиб, унинг қанчалик холис ва нохолислиги хусусида аниқ маълумотлар тўплайди. Сўнг бир неча тун уйқусидан кечиб, воқеани қоғозга туширади. Истиқлол равнақи учун тўсиқ бўлаётган ўша муаммо муҳаррирнинг довюраклиги билан газетада чоп этиб юборилди ҳам дейлик. Борингки, бир-икки ҳафта ёки ундан ҳам зиёдроқ тунини кунга улаб ана шу тўсиқни олиб ташлашга бел боғлаган, неча бор ҳаяжонланиб, неча бор куюнган журналистнинг "маҳсулот"и газетада чиққач, биров ўқиб, биров ўқимай қолиб кетади. Ажабки, ҳеч ким муносабат билдирмайди. Гўёки бу одатий ҳолдек. Лоақал муассис иллатларни фош қилиб, бонг урган ходимни ёнига чорлаб, бир оғиз раҳматини айтса, раҳбарлик мартабасидан тушиб қолмас. Бундан ҳам фойдалироқ ўша газетани байроқ қилиб, шундай иллатнинг урчишига йўл очиб бераётган мутасадди раҳбарларнинг танобини тортиб қўйса-чи.

Ҳозир айнан ана шундай рағбат анқонинг уруғи бўлиб қолмоқда. Қалам аҳлига ҳайрихоҳ, фактлар тўплашда сидқидилдан кўмак бераётган холис кишилар кўз олдида бундай танқидий чиқишларга муносабатнинг тақчиллиги газетанинг обрўсини туширириб қўйяпти. Ана шундай шароитда туман газетасида ишлаш журналистга осонми? Албатта, осон эмас.

"Hurriyat"даги шу мақолага ҳозиржавоблик билан муносабат билдирган таниқли журналист Ҳаким Сатторийни қадриятларимиз ҳисобланган ва ҳамиша эъзозга муносиб бўлган тарихий алломаларимиз ҳақидаги илмий мақолаларини, бугунги тезоб эврилишларга бўлган муносабатларини беҳад қадрлаймиз. "Туман газетасида ишлаш осонми?"га Ҳ. Сатторий масалани кўндаланг қўйиб, "Туман газетаси керакми?" деб сарлавҳалаб, ўзининг фойдали мулоҳазаларини билдирибди. Лекин шундай сарлавҳалаш шартмиди?

**Собиржон ИНОМОВ,**
Пискент тумани "Пискент ҳаёти" газетаси масъул котиби

***Санаторийда...***

*Абдурасул ҲАКИМОВ чизган*

Мулоҳаза

# Ўқиш нимага керак?

***Ўқув йили ҳам ўз поёнига етиб қолди. Ўқувчию талабалар якуний имтиҳон билан банд. Бундай пайтлар ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам майлику-я, аммо абитуриент аҳволини бошидан ўтказган билади. Ўқишга кириш имтиҳонига тайёрланиш шу пайтгача бир маромда кетади-ю, энди бўлса ҳар китобни очганида кун санай бошлайди: "Икки ойу уч кун", "Икки ойу бир кун"... Кун санашу ҳаяжонланишлар имтиҳон топширувчи абитуриентлардан ота-оналарга ҳам кўчади. Олдинда икки муҳим кун бор. Бири имтиҳон куни бўлса, иккинчиси натижалар эълон қилинадиган кун.***

**Дурдона АЛИМОВА**

Сўнгги йилларда илмга интилиш анча юксалди. Чунки ҳаётнинг ўзи кўрсатяптики, ахборот асрида зиёли қатламга эҳтиёж кўп сезилади. "Ҳозир одамлар ўқиш-ўрганишни хоҳламайди", деган гапни кўп эшитамиз. Аммо вазиятга яхшироқ назар ташласак, оддий турмуш лавҳаларини синкчовлик билан кузатсак, унинг аксини кўриш мумкин. Ҳозир ўқиш кўпчиликнинг муаммосига айланган. Сиз уларни илғамай қолган бўлишингиз мумкин. Шахсий кузатувларим орқали эслатишга ҳаракат қиламан.

Бир танишим билан тасодифан йўлда учрашиб қолдик. Ҳол-аҳвол сўраган бўлдим:

— Ишларингиз, уйдагилар яхшими?

— Эй, сўрама. Бу йил ҳам чаппасига кетди. Ўғлим бечоранинг аҳволи оғир.

Унинг гап оҳанги нимадир юз берганини билдирарди.

— Тинчликми? Ўғлингизга бирор нима бўлдими?

— Ўқишга киролмади. Шундан бери кўнглига қил ҳам сиғмайди.

Хавотир ўринсиз эканлигини пайқаб, ўзимга келдим. Хайрият, тинчлик экан.

Ўқишга киролмаслик, албатта, ачинарли ҳол. Умидли ёшлар руҳиятида мағлубиятнинг ўрнашиши қийин кечади. Аммо буни мудҳиш воқеа даражасида талқин қилинишига катталар сабабчи бўлишса керак. Очиғи, дипломга эга ва эга эмаслар орасида табақаланишга йўл қ ў й и ш , "ўқимаган" дея таъна ёғдириш тобора авж олмоқда. Аслида дипломи йўқларнинг барчасининг онги паст, олий ўқув даргоҳларида таҳсил олмаган инсонни элга нафи тегмайдиган, деб бўлмайди-ку. Аммо одамлар орасидаги нотўғри қараш орқали бошқа иллатлар ҳам илдиз отиб кетмоқда. "Боламни бу йил ўлсам ҳам ўқишга киргизаман", дейди бояги танишим. Қизиқ, нега энди "киргизаман", "киради" эмас.

Ўқишга кирганларни "Талабалик бахтига муяссар бўлганлар" деб аташади. Ҳа, талаба бўлиш — бахт. Бу даврни илм олиш учун имкониятнинг яхши бир палласи, десак янглишмаган бўламиз. Шунингдек, олий ўқув юртлари тизими талабалар учун қизиқиш ва қулайлик яратади. Талабалар уларни яхши билишади. Айниқса, беш баҳо, юқори стипендия, қизил диплом деганларини. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни домламиз "Нима учун яхши ўқийсизлар?" номли гуруҳ миқёсидаги кичик сўровнома ўтказгандилар. Баъзилар ота-онам, қариндошуруғларим учун, баъзилар кўп миқдордаги стипендия учун, яна кимлардир қизил диплом ва у орқали магистратура имтиҳонидан қўшимча балл олиш учун, деб жавоб берганди. Умуман, қизиқ жавоблар ҳам бўлган: бир ҳазилкаш талаба: "Мен ота-онам учун эмас, болаларим учун яхши ўқийман" деб ҳаммани кулдирган. Шунингдек, жавоб берганлар орасида билим олиш учун ўқийдиганлар ҳам борлиги аён бўлди.

Хуллас, бизнинг илм олишимизда маълум объектга мослашиш, мақсад, йўналиш бор. Бошида келтириб ўтган абитуриентлар ҳақидаги гапимга яна бир воқеани қўшиб қўймоқчиман. Жиянимнинг ўқишга кираман деб тиришиб ҳаракат қилаётгани, айниқса, тарих фани билан жиддий шуғулланаётганини кўриб қувондим. Китоб дўконидан тарих ҳақида яхши бир китоб олгандим. У эса китобни бир-икки бет варақлаб, беҳафсала четга суриб қўйди: "Тестни бундан тузишмайди".

Ўқиш муаммоси тобора долзарблашаётган пайтда ота-оналарнинг фарзандини уйли-жойли қилишдаги қарашлари ҳам ўзгарди. Аввалари уйда ўтирадиган, умуман билим даражаси ҳам ҳаминқадар қизларни келин қилишни афзал кўришарди. Ҳозир совчи аёллар "ўқиган қиз" иборасини бошқача бир оҳангда тилга оладиган бўлишди. Аммо уларнинг "кўрсатма" беришларича, бўлғуси келин "китобдан бошини кўтармайдиган" бўлиши керак эмас, шунчаки қариндош-уруғ, қўни-қўшни кўзи учун бирор ерда ўқиб қўйса кифоя экан. Во ажаб, асримизда дин, мафкура, умуман инсонни баъзилар қуролга айлантираётганида, улар қаторига ўқиш ҳам қўшиляптими?

Қўшни аёлнинг гапи қулоғимга чалинади: "Совчиларни қайтариб юбордим. Оиласи яхши, ёшлар ҳам бир-бирига кўнгил қўйган. Аммо бир томони ёқинқирамади. Йигит коллежни битирган экан-да. Қизим институтда-ку". Мана сизга XXI асрдаги табақаланиш. Балки бу яхшиликкадир...

Умуман олганда, ҳозирги кундаги илм билан банд қатламни иккига ажратиш мумкин бўлиб қолди. Биринчиси — илм олишга интилаётганлар, иккинчиси — илмлилар тоифасига мансуб бўлишга интилаётганлар. Бу иккисининг орасида эса катта тафовут бор.

Муқаддас динимиз бешикдан то қабргача илм излашга буюради. Шунингдек, ислом дини ҳар нарсада меъёрни талаб этади. Ўқиш тушунчасини мураккаблаштириш, ундан ташқари омилларни писанд қилмаслик ва майда мақсадларга эришиш йўлида илмга интилиш эса мазкур сўзни қўштирноқ ичига олишга мажбур қилади.

Нашр

# «Мегаполис»

## *шаҳарми ёки давлат, балки магазиндир?*




Уччаласи ҳам эмас. Шаҳримизда чиқаётган янги журнал ана шундай номланган: "Megapolis magazine".

"Вой-бў, газета деганидан кўпи йўқ. Ҳозир ҳамма газета чиқаряпти", деган иддаоларни эшитган чиқарсиз. Сиз ҳам "Ҳозир ҳамма шу ҳақда гапиряпти", дея зерикиш кайфиятига берилманг. Аслида кейинги пайтлар матбуотимизда турли йўналишдаги янгиянги журналлар пайдо бўла бошлаганига хурсандлигимиздан бу ҳақда гап очдик. Баъзан шунақа фикрлар ҳам келиб қолади: халқимизнинг тийнати газетадан кўра журнал хусусиятларига яқинроқмикин? Чунки барқарор нарсаларни кўпроқ қадрловчи, мулоҳазакор халқмиз-да! Шундай қилиб, матбуотимизда журналлар даври бошланяптиёв.

Мегаполис бир неча шаҳар ва шаҳарчаларнинг қўшилиб кетиши туфайли пайдо бўладиган ка-атта шаҳар маъносини беради. Журнал мазмун-мундарижаси ҳам шунга яқинроқ. Буни рукнлардан ҳам билиб олса бўлади: "Job" (иш), "Money" (пул), "Fashion" (мода), "Man&woman" (эркак ва аёл), "Наука и жизнь", "Он", "Она", "Идеальная пара", "Личность"... "Журнал икки тилда чиқар экан-да", деган хаёлга борманг: шунчаки рукнларда инглиз тилидан фойдаланилган. Аслида эса "Мегаполис"да русча ёзадилар. Номининг остидан "Катта шаҳарда кичик журнал" деб изоҳ берилганидан ҳам кўриниб турибдики, жарида шаҳар ҳаётининг муайян қисмини қамраб олишга интилади. Ҳар соҳадан бир шингил бўлгандан кўра мана шуниси афзал-да. Таҳририят жамоаси ҳам мавзулар оламида адашиб қолмайди, бири тоғдан бири боғдан келадиган мақолалар билан ўқувчиларнинг бошини ҳам айлантирмайди. Аммо-лекин журналнинг дизайнига гап йўқ. Чунки "катта шаҳар"да кўркам ташқи кўринишсиз яшаб қолишдан умид қилмаса ҳам бўлаверади.

**Ф.ЖАББОРОВ**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» дан хушхабар!

UZBEKISTAN airways

Ёзги жадвалда янги йўналишлар:

Қоҳира (Миср)
Милан (Италия)
Сочи (Россия)

Парвозлар Боинг ва А-310 русумидаги самолётларда бажарилади.

Қатновлар жадвали, жойлар мавжудлиги, авиачипталар ва ташувлар тўғрисидаги барча маълумотлар учун телефонлар (ҳар куни соат 8.00 дан 19.00 гача): (998 71) 140-02-00

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

www. uzairways. com

O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-554 Т: 3404 1 2 3 4 5 6